

## 2020 йил давомида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот

2020 йил давомида мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида изчил ишлар олиб борилди.

Хусусан, 2020 йилда соҳада **меъёрий ҳуқуқий** базани янада такомиллаштириш борасида қуйидаги натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси тайёрланиб, қабул қилинди (ЎРҚ-627 8.07.2020й).

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси тайёрланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 1-ўқишда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди (29.09.2020й ПҚ-4845-сон).

Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги қарор лойиҳалари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди:

“Филдиракли янги транспорт воситаларини экологик сертификатлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” (30.01.2020й. 50-сон);

“Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” (18.02.2020й. 93-сон);

“Ҳисор давлат қўриқхонасининг қўриқланма зонасини белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” (18.02.2020й. 94-сон);

“Экологик хавфсизлик тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” (18.02.2020й. 95-сон қарори);

“Цемент ишлаб чиқариш ташкилотлари фаолияти устидан экологик назоратни кучайтириш тўғрисида” (14.04.2020й. 223-сон).

“Атроф муҳитга таъсирни баҳолаш механизминини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди (07.09.2020й. 541-сон).

Қўмита фаолиятининг асосий устивор йўналишлари бўйича сезиларли натижаларга эришилди.

Хусусан, **қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича** ишларни такомиллаштириш доирасида соҳада фаолият кўрсатувчи кластерлар сони 12 тага етказилиб (2019 йилда 7 та), 2020 йилда ташкил этилган 5 та кластерларга 11 та туман (шаҳар)лардаги 493 та маҳаллалар бириктириб берилди, улар томонидан 197 329,6 млн.сўм инвестиция киритилиши ва 1254 та ишчи ўринлари яратилиши белгиланди.

Худудларни давлат-хусусий шериклик тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига бириктириш бўйича жами 16 та лойиҳа концепциялари тасдиқланиб эълонга қўйилди, шундан 6 таси билан ДХШ тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Бюджет маблағлари ҳисобидан жами 242 та махсус техника (2019 йилда 308 та) харид қилиш бўйича умумий қиймати 141,5 млрд. сўмлик шартнома имзоланиб, (2019 йилда 128,4 млрд. сўм) 117 млрд. сўм (207 та махсус техника хариди бўйича молиялаштириш 82,6 фоиз) маблағ молиялаштирилди ва 169 та махсус техника етказиб берилди.

Санитар-экологик меъёр талаблари жавоб бермайдиган 24 та қаттиқ маиший чиқиндиларни кўмиш полигонлари фаолияти тугатилиб, полигон ерларини тўлиқ рекултивация қилинди.

Худудларни санитар тозалаш хизматлари билан қамраб олиш даражаси 85,1 фоизга (мавжуд 9 041 та маҳалладан 7 694 та маҳалла қамраб олинди) етказилди (2019 йил 69 фоиз, 6 238 та маҳалла қамраб олинган).

Худудлардан олиб чиқилган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг 21,9 фоизи (1,5 млн. тонна) қайта ишланди (2019 йилда 19 фоиз, 1,3 млн. тонна қайта ишланган).

**Биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш, муҳофаз этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш** соҳасида эришилган натижалардан бири - “Тўдакўл” ва “Қуйимозор” сув омборлари (майдони 32 000 га) Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро аҳамиятга эга 3-чи сув-батқоқлик ҳудуди сифатида Рамсар Конвенциясининг рўйхатига 2433-сонли ҳудуд бўлиб киритилди. (19.08.2020 й.).

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сонли қарорига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича, 2020 йил

23 декабрь ҳолатига ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун бўйича жами 514 та рухсатномалар расмийлаштирилган. Жумладан:

ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар ва уларнинг қисмларини республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш ва олиб киришга 365 та;

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимлик турларини табиий муҳитдан ғамлашга (тўплашга) 23 та рухсатнома берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилмаган ўсимлик турларини табиий муҳитдан ғамлашга (тўплашга) 126 та рухсатнома берилди.

2020 йилда Бухоро вилоятида жойлашган қушларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш Амирликлар маркази (“Emirates Bird Breeding Center for Conservation”)да етиштирилган 1929 донаси ва Навоий вилоятида жойлашаган йўрға тувалоқ қушларини сақлаш бўйича Амирликлар маркази (“Emirates Center for Conservation of Houbara”) томонидан кўпайтирилган Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги йўрға тувалоқ қушларининг 2140 донаси табиатга қўйиб юборилди.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида атмосфера ҳавосининг тозалигига салбий таъсир кўрсатувчи, 11,7 мингтага яқин корхоналар хатловдан ўтказилиб, 1849 та корхоналарда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган, 1502 та корхонада атроф муҳит ифлослантилганлиги учун 1453,0 млн сўм миқдорида

қўшимча компенсация тўлови ҳисобланган, шунингдек, суд органлари қарорлари билан 4 та корхонанинг фаолияти вақтинча чекланилган ва 1 та корхонанинг фаолияти вақтинча тўхтатилган.

Атроф табиий муҳит мониторинги бўйича республика бўйлаб жами 620 та корхоналарнинг 5839 та манбаларида аналитик назорат ишлари амалга оширилиб шундан, ер ресурсларининг ифлосланишини назорат қилиш бўйича 128 та, сув ресурсларини назорати бўйича 199 та ва атмосфера ҳавосига ташлама манбалар мониторинги бўйича 293 тани ташкил этади.

Таҳлил натижаларига кўра 167 та корхоналарнинг 539 та манбаларида атроф табиий муҳитни руҳсат этилган меъёрдан ортиқ ифлослантириш ҳолатлари аниқланиб, тезкор бартараф этиш чоралари кўрилди.

Атроф муҳит ифлосланиши билан масалаларни тезкор аниқлаш ҳамда тезкор чора-тадбирлани амалга ошириш, шунингдек, Давлат экология қўмитаси тизимидаги таҳлилий лабораторияларнинг моддий техника таъминотини яхшилаш мақсадида “Mercedes Benz Sprinter” русумли 2 та мобиль экологик лаборатория ҳамда 16 хилдаги 34 дона лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.

Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, ҳозирда Давлат экология қўмитаси тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасини яратиш юзасидан ишларни олиб бормоқда.

Атроф муҳитга таъсири бўйича 1 ва 2-тоифага мансуб 240 та йирик саноат корхоналарида локал оқова сув тозалаш иншоотларини куриш, реконструкция қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди.

Ўтказилган **давлат экологик назорати тадбирлари** натижаларига кўра, 2020 йил давомида республика миқёсида 52 826 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланган, шундан 874 нафарини мансабдор шахслар ташкил этади.

Ҳуқуқбузарларга нисбатан 23 365 млн сўм жарима ва табиатга етказилган зарар учун 24 306 млн сўм даъво белгиланди.

2113 та ҳолат бўйича 19 018 млн.сўм жарима ва табиатга етказилган зарарни ундириш мақсадида тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга (суд, прокуратура, МИБ, ИИБ) киритилди.

83 мингдан ортиқ корхона ва фуқароларга соҳага оид профилактика тадбирлари ўтказилди.